

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАҚУЛОВА НИЛУФАР ФАЙЗУЛАЕВНА

**ШЎР ТУПРОҚЛИ ШАРОИТЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАН БУҒДОЙ
ДОНЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ
(Бухоро вилояти мисолида)**

02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хўжакулова Нилуфар Файзуллаевна

Шўр тупроқли шароитларда етиштирилган буғдой донининг технологик хоссаларини ўрганиш(Бухоро вилояти мисолида).....3

Хужакулова Нилуфар Файзуллаевна

Исследование технологических свойств зерна пшеницы, возделываемой, в условиях засоленных полей (на примере Бухарской вилоята)21

Khujakulova Nilufar Fayzullayevna

Research of technological properties of wheat grain, cultivated, in conditions of saline soils (on the example of the Bukhara region).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАҚУЛОВА НИЛУФАР ФАЙЗУЛЛАЕВНА

**ШЎР ТУПРОҚЛИ ШАРОИТЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАН БУҒДОЙ
ДОНЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ
(Бухоро вилояти мисолида)**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯС И АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси маълуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонидаги Олий яттестанцион комиссияда В2021.1.PhD/T665 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bmti.uz) махсус бўйича ва ахборот-таълим портали «Ziynet» (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раъбар:

Махмудов Рафиқ Амонович
техника фанлари номзоли, доцент

Расмий аъзоликлари:

Қурбонов Жамшед Маҳжидович
техника фанлари доктори, профессор

Сатторов Карим Каримович
техника фанлари номзоли, доцент

Етказчи ташкилот:

Қарим муҳандислик-иштинисий институти

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 рақамда Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 22-12-сент 10-даги мажлисида бўлиб ўтди. (Маенил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ.Муртамоев кўчаси, 15. Тел: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида талимнинг мумкин (№ 399 рақамин билан рўйхатга олинган). Маенил: (200100, Бухоро шаҳар, Қ.Муртамоев кўч., 15. Тел: (99895) 604-44-70).

Диссертация автореферати 2021 йил « 13 » 12-кун тарқатилди.
2020 йил « 05 » 11-даги № 17 рақамли реостр байномиси).



И.Р.Барқалов
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.и., профессор

Р.Р.Хайитов
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш котиби т.ф.и.

Ш.М.Ходжаев
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари
т.ф.и., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурлиги. Бугунги кунда дунёда донни қайта ишлаш корхоналарида юқори даражада ўсиш кузатилмоқда. Ун ишлаб чиқариш корхоналари озик овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ун маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларни яхшилаш, биологик қийматини ошириш муҳим ҳисобланади. Буғдой донининг ишлаб чиқариш ҳажми, унинг сифати, етиштиришнинг агрометеорологик шароитларига боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда, экологик вазият ўзгариши туфайли тупроқнинг шўрланиш даражаси турли хил бўлган қишлоқ хўжалиги майдонлари ошиш тенденцияси кузатилиб, буғдой дони технологик хоссаларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада физик-кимёвий таҳлилнинг янги ва замонавий усулларидан фойдаланиб шўр тупроқда етиштирилган буғдой донининг технологик хоссаларини аниқлаш, шўрланган тупроқларда етиштирилган буғдой донининг сифат кўрсаткичлари ва технологик хусусиятларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда охириги йилларда турли хил даражада шўрланган майдонларда етиштирилган буғдой донларидан самарали фойдаланиб сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам ашё сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, озик-овқат маҳсулотларини озиқавий хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини алмаштирувчи рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, шўрланган майдонларда етиштирилган буғдой донининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, турли агрометеорологик шароитларда етиштирилган буғдой донининг технологик хусусиятларини аниқлаш, донни қайта ишлашнинг энг самарали усулларини аниқлаш, турли хил шўрланиш даражасига эга бўлган ер майдонларида ва унумдор ерларда етиштирилган буғдой донлари асосида озуқавийлиги, биологик қиймати юқори бўлган ун олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 26 апрелдаги ПФ-3484-сон “Мамлакат озик-овқат хавфсизлигини келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3179-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сон “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини концепцияси ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Кимёвий технология ва нанотехнология” ва IV “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли агрометеорологик шароитларда етиштирилган буғдой навлари донларининг технологик хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар етакчи халқаро ва миллий илмий марказлар ва таълим муассасаларида, хусусан, Washington State University (АҚШ), University of Hohenheim (Германия), Cambridge Plant Breeding Institute (Буюк Британия), The University of Sidney (Австралия), Food and Agriculture Organization of the United Nations (Италия), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) (Уммон), International Maize and Wheat Improvement Center (CIMMYT) (Мексика), Кубань давлат аграр университети (Россия), Қозоғистон миллий аграр университети (Қозоғистон), Донли ва бошоқли экинлар илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) олиб борилган ва ҳозирда олиб борилмоқда.

Оқсил миқдори ва клейковина хоссалари буғдой навларининг генетик хусусиятларига ва уларни етиштириш шароитларига боғлиқ эканлиги аниқланди (Washington State University); юқори тўйимли элементларни сақлаган навлар ажратиб олинди (Cambridge Plant Breeding Institute). Буғдой донининг асосий физик-кимёвий хусусиятларини ва уларнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш шартларини тадқиқ қилиш бўйича А.О.Омонов, З.Ф.Зиядуллаев, К.Равшанов, Г.Гайбуллаев, А.К.Учеваткин, Р.А.Удачин, А.Авлиякулова, Р.Сиддиқова, Н.Халилова, М.Н.Турдиева, Х.Б.Эргашева, Р.Т.Адизов, ва бошқ. илмий изланишлар олиб боришган.

Бирок, Оролбўйи минтақасининг шўрланган тупроқларида етиштириш учун буғдой навларини ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Шўрланган тупроқларда етиштирилган буғдой донининг сифат кўрсаткичлари ва технологик хусусиятлари бугунги кунда етарлича ўрганилмаган.

Мазкур диссертация иши мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар республикада чекланган миқдорда олиб борилган. Шундай, Бухоро вилояти ҳудудларида экиладиган буғдой навлари донининг технологик хусусиятларига таъсир кўрсатадиган тупроқнинг хусусиятлари ва таркиби, далаларнинг шўрланиш даражаси ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги; Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тадқиқ қилиш ва уларни такомиллаштиришнинг мақбул тизимларини ишлаб чиқиш” (2017-2020йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шўр тупроқли шароитларида етиштирилган буғдой донининг технологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

минтақадаги агрометеорологик шароитларни ва тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш;

буғдой донининг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига тупроқ таркибининг таъсирини таҳлил қилиш;

шўрланган тупроқларда етиштириладиган буғдой донининг кимёвий таркибини ва биологик қийматини баҳолаш;

суғориш сувлари шўрланиш даражасининг буғдой дони сифатига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитларнинг буғдой дони сифатига таъсирини таҳлил қилиш;

турли даражадаги шўрланган тупроқларда етиштириладиган ҳар хил навдаги буғдой донидан олинган уннинг нон пишириш хусусиятларини таҳлил қилиш;

оддий ва шўрланган тупроқда етиштирилган буғдой донини тортишнинг технологик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли шўрланиш даражасига эга бўлган тупроқларда етиштирилган буғдой донилари олинган.

Тадқиқотнинг предметини шўрланган тупроқларда етиштирилган буғдой донининг технологик хоссалари ва сифат кўрсаткичлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг хоссаларини физикавий, кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари, шунингдек тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шўрланган ва қуруқ иқлимда етиштирилган маҳаллий нав буғдой донида илк бор оқсилларнинг шаклланиши аниқланган;

уннинг биологик қийматини оширишнинг технологик ечимлари илмий асосланган;

оқсиллар, витаминлар, микро-макроэлементлар таркибини аниқлаш асосида уннинг юқори озуқавий қиймати аниқланган;

биринчи навли буғдой уни ва озуқа унидан илк бор композицион уннинг оптимал таркиби аниқланган;

нон ва ун маҳсулотлари сифати ўртасидаги корреляцион боғланиш илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шўр тупроқли ва қуруқ иқлимли шароитда етиштирилган маҳаллий нав буғдойларнинг физик кўрсаткичлари аниқланган;

янчиш системаларида қолдиқ қисми меъёрдан бироз кўпроқ чиқиши аниқланган;

кепак таркибидан 2 % озуқа унини биринчи навли унга қайтариш ҳисобига иқтисодий самарадорликни 1,0- 1,5 % га ошириш аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш апробацияси натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли агрометеорологик шароитларда шўр тупроқли ерларда етиштирилган буғдой донларининг технологик хоссалари, тупроқдаги тузларнинг миқдори ошиши билан дон натураси ва хом клейковина масса улуши пасайиши ҳамда дон таркибидаги сувда эримайдиган оқсилларнинг шаклланишига таъсири, доннинг шаффофлиги, клейковина миқдори нисбатан пастлиги ҳамда буғдой дони

кобикдорлигининг юқорилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шўр ва ҳосилдор ҳудудларда етиштирилган турли хил технологик хусусиятларга эга буғдой донини қайта ишлаб ун тортиш партияларини тайёрлаш бўйича технологик регламентлар ишлаб чиқиш ҳамда озуқавий ва биологик қиймати юқори бўлган озуқа уни олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шўр тупроқли майдонларда етиштирилган буғдой донларининг технологик хоссаларини тадқиқ қилиш асосида:

турли хил шўрланиш даражасига эга бўлган ер майдонларида ва унумдор ерларда етиштирилган буғдой донларининг аралашмалари асосида ун ишлаб чиқариш технологияси “Қоракўлдонмаҳсулотлари” АЖда амалиётга жорий этилган (“ЎЗДОНМАХСУЛОТ” АКнинг 2021 йил 17 февралдаги 6-1-2/46-257-сон маълумотномаси). Натижада, сифатли ун ишлаб чиқариш ҳажмини 1,0-1,5 % га ошириш имконини берган;

буғдой дони ва уни қайта ишлаш натижасида тайёрланган маҳсулотларнинг технологик сифат ва физик-кимёвий таснифларига таъсир этувчи асосий омиллар “Қоракўлдонмаҳсулотлари” АЖда амалиётга тадқиқ этилган (“ЎЗДОНМАХСУЛОТ” АКнинг 2021 йил 17 февралдаги 6-1-2/46-257-сон маълумотномаси). Натижада, нон ва нонвойчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-техник анжуманларда маъруза қилинди, муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан 2 та хорижий ва 2 та миллий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади ва вазифалари асослаб берилади, унинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

“Буғдой етиштириш турли шароитларининг доннинг технологик хоссаларига таъсирини аналитик таҳлил қилиш” деб номланган биринчи бобда буғдой донининг умумий хоссалари ва унинг тузилиши тўғрисида махсус адабиётларнинг таҳлили бажарилган; буғдой турлари, уни турли хил агрометеорологик шароитларда етиштириш хусусиятлари, шўрланган тупроқларнинг хусусиятлари, уларнинг шаклланиши ва шўрланиш манбалари

кўриб чиқилган. Келтирилган таҳлил асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

“Тадқиқотнинг объектлари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектларининг тавсифи келтирилган, тупроқ, буғдой дони, ун, хамир ва нон таркибини ўрганиш усуллари рўйхати ва қисқача тавсифи берилган. Тадқиқот объектлари сифатида “Старшина”, “Истиқлол”, “Чиллаки” ва “Краснодарская-99” навларининг буғдой доналари қўлланилган.


Ишнинг тажриба қисми Бухоро муҳандислик-технология институти “Озиқ-овқат технологияси” лабораторияларида ва “Ўздаверлойиха” илмий-тадқиқот институти “Қоракўлдонмағсулотлари” АЖ да амалга оширилди.

“Буғдой донини технологик хоссаларини ўрганиш ва унни озуқа уни билан бойитишни мақсадлилигини илмий асослаш” деб номланган учинчи бобда минтақанинг агрометеорологик шароитлари ва тупроқнинг шўрланиш даражаси, тупроқ таркибининг дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари, унинг кимёвий таркиби ва биологик қийматига таъсирини ўрганиш натижалари ва минерал ўғитларнинг буғдой дони сифатига таъсири келтирилган.

Минтақа агрометеорологик шароитларини ва тупроқнинг шўрланиш даражасини ўрганиш. Бухоро вилояти иқлими континентал, юқори иссиқлик манбали (ҳаво ҳарорати йиғиндиси -10°C дан 34°C гача) ва 45 мм атрофида ўртача кўп йиллик миқдорда нисбатан кам йиллик ёғингарчилик (28 дан 54 мм гача) кўрғокчил сифатида тавсифланади. (1-расм).

Тадқиқотларни бажариш ҳудуддаги тупроқнинг бир метр қатламидаги унумдор намлик миқдори ҳолатига кўра, улар намликнинг етарли даражада тўпланмаган тупроқларига киради, яъни 13 мм дан кам. Вегетацион даврининг давомийлиги (ҳарорати $>+18-25^{\circ}\text{C}$ бўлган даврлар) ўртача 200 кунни ташкил этади (апрелнинг биринчи ўн кунлигидан ноябрнинг биринчи ўн кунлигига қадар). Фаол вегетация даври (ҳарорати $>20^{\circ}\text{C}$ бўлган даврлар) 168 кунни ташкил этади ва апрелнинг 2-ўн кунлигидан октябрнинг 1-ўн кунлигигача давом этади.

Бухоро вилояти тупроқ шўрланиш даражаси ва унумдорлигини баҳолаш. Тупроқнинг шўрланиш даражасини баҳолаш тупроқнинг сувини тортиб олиш ёрдамида амалга оширилди (гидромодуль 1:5). Тупроқнинг шўрланиш даражаси унинг, куруқ ёки қаттиқ қолдиқнинг масса улуши (%) ёки алоҳида ионларнинг масса улуши (%) йиғиндиси (тузлар йиғиндиси - $\sum_{\text{туз}}$ ёки $S_{\text{туз}}$) кимёвийлигини ҳисобга олган ҳолда баҳоланди.



1-расм. Тадқиқотларни ўтказишда ҳавонинг ойлик ўртача ҳарорати (°C), қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси метеопункти маълумотларига кўра

Тупроқ шўрланишининг сув алмашинуви ва буғдой навларининг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш учун лаборатория ва дала тажрибалари ўтказилди. Тупроқнинг кучсиз, ўртача ва юқори даражадаги шўрланишини яратиш учун NaCl ишлатилган. Дала тажрибаларида тупроқ хлорид шўрланишининг устунлиги билан аралаш сульфат-хлорид турдаги шўрланиш билан ажралиб турарди, бу эса Бухоро минтақаси учун хос бўлган.

Тадиқ қилинган тупроқ намуналарида анионларнинг умумий миқдори 1,93 (IV – 20-50) дан 2,24 мг/экв (I – 0-20) гача, катионларнинг 0,99 (IV – 0-20) дан 1,79 мг/экв (IV – 20-50) гача ўзгариши аниқланди. Шўрланиш юқори даражасида туз таркибида кўп миқдорда хлоридлар ва сульфатлар қайд этилади.

Тупроқ таркибида шунингдек гумус ва фосфор пентаоксиди – P₂O₅ миқдори бўйича фосфорнинг таркиби ҳам аниқланди (1-жадвал).

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, тупроқдаги гумус ва кўчма фосфор миқдори буғдой учун тавсия этилган кўрсаткичлардан сезиларли даражада паст. Шундай, буғдой учун гумус миқдори 3,0-3,5%, кўчма фосфор 33-35 мг/кг оралиғида бўлиши керак. Бундан, Бухоро вилояти ерларидан керакли буғдой ҳосилини олиш учун қўшимча ўғитлаш талаб этилади.

1-жадвал

Бухоро вилоятида тупроқларнинг унумдорлик даражасини аниқлаш

Кесим	Чуқурлиги, см	Масса улуши	
		гумус, %	P ₂ O ₅ , мг/кг
I	0-20	0,7395	18
II	30-50	0,4785	8
III	0-20	0,3915	19
	20-50	0,2175	10
IV	0-20	0,6525	14
	20-50	0,5655	11

Экин горизонтидаги азот миқдори 0,04 дан 0,08% гача бўлади. Ушбу тупроқларнинг ялпи азот билан таъминланиши паст ва жуда паст; кўчма фосфор ва калий миқдори бўйича тупроқлар етарли даражада таъминланмаган. Ялпи фосфор миқдори 0,11 дан 0,15% гача, ялпи калий миқдори эса 0,68 дан 0,16% гача ўзгариб туради. Ўрта ва юқори шўрланган тупроқлар Бухоро вилоятида

кичик майдонларни эгаллайди. Шўрланиш тури сульфат, камроқ даражада хлорид-сульфат турида бўлади. Тупроқларнинг фосфор ва калийнинг кўчма шакллари билан таъминланиши паст. Профил бўйича CO₂ карбонатлар миқдори 4,0-7,0% оралиғида бўлади. Механик тузилиши жиҳатидан бу тупроқлар оз миқдордаги лойқа қатлами ва юқори миқдордаги майда қум билан ажралиб туради.

Бугдой донининг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига тупроқ таркибининг таъсирини тадқиқ қилиш. Тадқиқотлар 2017 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Саид Бешиқ фермер хўжалигининг шўрланган тупроқларида ўтказилди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси учун учта вариант танланган: паст, ўрта ва юқори. Таққослаш намунаси сифатида оддий тупроқда етиштирилган бугдой дони қўлланилди.

Тадқиқот ўртача натижалари 2-5 жадвалларда ва 2-расмда келтирилган.

2-жадвал

Бугдой навлари ҳосилининг ҳосилдорлиги ва структураси

№	Бугдой нави	Ҳосилдорлик, ц/га	Йиғишдан олдинги туриши қалинлиги, дон/м ²	Самарали буталик, дона	Бошоқ узунлиги, см	Битта бошоқ донлари сони, дона	Битта бошоқ донлари массаси	1000 та дон массаси, г
<i>Бошланғич дон (прототип)</i>								
1	Истиклол	67,8	350	3,2	8,6	47,8	2,4	40
2	Старшина	67,0	345	3,0	8,5	46,9	2,0	37
3	Чиллаки	70,2	340	2,6	10,2	48,0	2,8	39
4	Краснодарская-99	64,8	378	2,7	12,2	48,2	2,8	39
<i>Тупроқ шўрланиши паст даражаси</i>								
1	Истиклол	65,8	345	2,8	8,1	46,8	1,8	39,4
2	Старшина	65,0	340	2,6	8,0	45,9	1,4	36,6
3	Чиллаки	68,2	335	2,2	9,8	47,0	2,0	38,3
4	Краснодарская-99	62,8	373	2,3	11,7	47,2	2,2	38,7
<i>Тупроқ шўрланиши ўртача даражаси</i>								
1	Истиклол	62,51	327	2,66	7,6	44,46	1,71	37,43
2	Старшина	61,75	323	2,47	7,5	43,61	1,33	34,77
3	Чиллаки	64,79	319	2,09	8,7	44,65	1,9	36,35
4	Краснодарская-99	59,75	355	2,19	11,2	44,84	2,09	36,77
<i>Тупроқ шўрланиши юқори даражаси</i>								
1	Истиклол	59,39	311	2,53	7,1	42,24	1,63	35,56
2	Старшина	58,67	307	2,35	7,0	41,43	1,27	33,04
3	Чиллаки	61,67	304	1,99	8,2	42,33	1,81	34,54
4	Краснодарская-99	56,77	338	2,09	10,7	42,42	1,99	34,94

Шўрланганлик турли даражасига эга бўлган тупроқларда етиштирилган тадқиқ қилинган бугдой навларининг дон сифат технологик кўрсаткичлари 3-5 жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

Одий шароитларда лалми ерларда етиштирилган тадқиқ қилинган буғдой навларининг дон сифат технологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Буғдой дони сифат кўрсаткичлари қиймати, нави бўйича				
	ГОСТ бўйича (3-синф)	Истиклол	Старшина	Чиллаки	Краснодарская-99
Ранги ва ҳиди	Мазкур турдаги соғлом донга хос				
Намлиқ масса улуши, %	14,0	11,3	10,6	11,5	12,0
Шишасимонлиги, %	40,0	74	76	78	80
Натура, г/л	730	775	768	750	770
Хом клейковина масса улуши, %	23,0	25	28	26	30
$N_{деф}^{ИДК}$, бирлик	20-100	95	97	100	86
Сифат гуруҳи	II	II	II	II	II
Ифлослантирувчи аралашма, %шу жумладан минерал	2,0 0,3	1,1 0,2	1,9 0,3	1,9 0,3	1,4 0,3
Донли аралашма, %	5,0	3,0	3,3	2,4	2,0
Зараркунандалар билан зараланганлик	Йўл қўйилмайди	Аниқланмади			

4-жадвал

Шўрланганлик даражаси ўртача бўлган тупроқларда етиштирилган тадқиқ қилинган буғдой навларининг дон сифат технологик кўрсаткичлари

Показатели	Буғдой дони сифат кўрсаткичлари қиймати, нави бўйича				
	ГОСТ бўйича (3-синф)	Истиклол	Старшина	Чиллаки	Краснодарская-99
Ранги ва ҳиди	Мазкур турдаги соғлом донга хос				
Намлиқ масса улуши, %	14,0	11,8	11,0	12,4	12,8
Шишасимонлиги, %	40,0	64	68	60	68
Натура, г/л	730	756	751	738	760
Хом клейковина масса улуши, %	23,0	21	24	21	27
$N_{деф}^{ИДК}$, бирлик	20-100	95	92	97	91
Сифат гуруҳи	II	II	II	II	II
Ифлослантирувчи аралашма, %шу жумладан минерал	2,0 0,3	1,7 0,18	1,6 0,22	2,0 0,28	1,8 0,25
Донли аралашма, %	5,0	3,0	3,1	2,7	2,6
Зараркунандалар билан зараланганлик	Йўл қўйилмайди	Аниқланмади			

5-жадвал

Шўрланганлик даражаси юқори бўлган тупроқларда етиштирилган тадқиқ қилинган буғдой навларининг дон сифат технологик кўрсаткичлари

Показатели	Буғдой дони сифат кўрсаткичлари қиймати, нави бўйича				
	ГОСТ бўйича (3-синф)	Истиклол	Старшина	Чиллаки	Краснодарская-99
Ранги ва ҳиди	Мазкур турдаги соғлом донга хос				
Намлиқ масса улуши, %	14,0	12,8	12,0	133,4	13,5
Шишасимонлиги, %	40,0	58	60	52	60
Натура, г/л	730	746	751	745	742
Хом клейковина масса улуши, %	23,0	20	20	21	24
$H_{деф}^{ИДК}$, бирлик	20-100	95	90	94	93
Сифат гуруҳи	II	II	II	II	II
Ифлослантирувчи аралашма, %шу жумладан минерал	2,0 0,3	1,8 0,18	1,6 0,20	2,0 0,27	1,8 0,25
Донли аралашма, %	5,0	3,2	3,3	3,1	2,9
Зараркунандалар билан зараланганлик	Йўл қўйилмайди	Аниқланмади			

Тупроқдаги тузларнинг миқдори ошиши билан дон натураси ва хом клейковина масса улуши пасайиши аниқланди.

Юқори шўрланган тупроқларда буғдой етиштиришда “Истиклол”, “Старшина”, “Чиллаки”, “Краснодарская-99” нави буғдой донларидан уни чиқиши, мувофиқ равишда, назорат намуналаридан 0,7, 0,4, 0,4 ва 0,8% га пастрок бўлди (6-жадвал)

Ўғитлар киритишда (N_{240} , P_{980} , K_{120}) ўғитлантирилмаган ерларга қараганда чиқиши “Истиклол” навида 0,2% га, “Чиллаки” навида 1,8% га, “Старшина” навида 0,2% га ва “Краснодарская-99” навида 0,1% га ошган.

6-жадвал

Ун чиқиши ва клейковина миқдори

Буғдой нави	Ун чиқиши	Клейковина миқдори, %	$H_{деф}^{ИДК}$, ед.пр.
«Истиклол»:	73,2	26	95
назорат *	73,9	25	95
назорат **	74,1	25	93
«Старшина»:	75,4	27	96
назорат *	75,8	27	97
назорат **	76,0	28	95
«Чиллаки»:	69,8	24	98
назорат *	70,2	25	100
назорат **	72,0	25	100
«Краснодарская-99»:	75,3	29	90
назорат *	76,0	30	86
назорат **	76,1	30	85

* - оддий шароитларда лалми ерларда етиштирилган буғдойдан олинган ун;

** - ўғитлаштирилган тупроқда етиштирилган буғдойдан олинган ун.

Шўрланган тупроқларда етиштирилган буғдой дони кимёвий таркибини ва биологик қийматини тадқиқ қилиши. Шўрланган тупроқларда етиштирилган турли навдаги буғдой дони кимёвий таркиби ва биологик қиймати ўрганилди. Мазкур

кўрсаткичларнинг ерларда етиштирилган “Дўстлик” навли буғдой дони (назорат) билан қиёсий таҳлили амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари 2-расмда келтирилган.


Тадқиқ қилинаётган буғдой навлари донининг кимёвий таркибини қиёсий таҳлили натижасида аниқландики, тажриба намуналари асосий моддаларнинг миқдори бўйича амалда назорат қийматларидан деярли кам эмас. бундан келиб чиқадики, доннинг кимёвий таркиби унинг генетик хусусиятлари билан белгиланиб, улар тупроқнинг шўрланиш даражасига боғлиқ бўлмайди, ва ишлатиладиган ўғитларга, хусусан азотли ўғитларга қараб ўзгариши мумкин.

Тадқиқ қилинаётган буғдой навлари донининг асосий технологик хусусиятларига минерал ўғитлар турининг таъсири ўрганилди.

Таққослаш намунаси сифатида кучли шўрланган тупроқда етиштирилган буғдой донидан фойдаланилди.

Ўғит тури мазкур кўрсаткичларга таъсир қилиши аниқланди. Шундай, мос равишда N_{40} , P_{135} , K_{90} ва N_{240} , P_{980} , K_{120} ўғитлар киритилганда хом клейковина чикиши 4,8 ва 20,0% га, шишасимонлик 3,4 ва 11,5% га, натураси 0,4 ва 1,2% га ошди, клейковина деформацияси даражаси ($H_{деф}^{ИДК}$) 3 ва 15 бирликка камайди.

Мазкур кўрсаткичлар N_{180} , P_{90} , K_{60} дан фойдаланишда оралиқ қийматларга эга бўлди.



2-расм. Тадқиқ қилинаётган буғдой навлари дони кимёвий таркиби: оксиллар–1, ёғлар – 2, углеводлар – 3, клетчатка – 4, кул -5 масса улушлари (к–назорат, И.- «Истиқлол», С.– «Старшина», Ч.– «Чиллаки», Кр.- «Краснодарская-99»

Буғдой донининг сифат кўрсаткичларига минерал ўғитларнинг таъсири.

Бухоро вилояти фермер хўжаликларида кузги буғдой бўйича минерал ўғитлардан (азот, фосфор, калий) фойдаланиш натижасида буғдой донининг ҳосилдорлиги ошиши ўртача 6,7 ц/га ни ташкил этди.

Шундай қилиб, буғдой етиштириш учун агрометеорологик шароитлар, айниқса тупроқнинг шўрланиш даражаси доннинг технологик хусусиятларига маълум даражада таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ҳосилдорликни ошириш учун ғалла майдонларини азотли минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг ҳудудлар кесимида турличалигини кузатдик. Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, шўр тупроқли ерларда етиштириладиган буғдой донларига азотли минерал ўғитлар 7 марта ва ундан ортиқни ташкил этса оддий

ёки ширин тупроқли ерларда азотли минерал ўғитлар 4-5 мартани ташкил қиляпти. Бухоро вилоятининг тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олиб бу ҳудуддаги буғдой далаларига 7 марта ва ундан ортиқ азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Тошкент вилояти ва Фарғона водийси ҳудудларида азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш 4-5 мартани ташкил қиладди. Етиштирилган ҳосилни сифат кўрсаткичларини текширганимизда Бухоро ҳудудида етиштирилган буғдой донининг оксил миқдори азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилганлиги сабабли юқори ҳосилдорликни намоён қилишини аниқладик. Умумий оксил миқдори юқори бўлишига қарамай шўр ерларда етиштирилган буғдой донларининг клейковинаси паст. Бу эса унинг таркибида сувда эримайдиган оксиллар (проламин, глютелин, глиадин) тўлиқ шаклланмаганлиги билан баҳоланади.

8-жадвал

Буғдой дони клейковинаси фракцион таркиби

Буғдой нави	Сувда эрувчан оксиллар, %			Глиадинлар, %	Глютеинлар, %	Умумий оксил, %	Хом протеин (Къельдаль бўйича), %
	альбумин (лейкозин)	глобулин	умумий миқдори				
Старшина	2,23	2,14	4,37	2,88	2,81	2,87	12,93
Истиклол	2,21	2,19	4,40	2,82	2,84	2,78	12,94
Чиллаки	2,24	2,18	4,42	2,83	2,86	2,82	12,93
Краснодарская-99	2,25	2,18	4,43	2,84	2,79	2,88	12,94
Назорат							
Дўстлик	1,30	1,35	2,65	3,48	3,37	3,45	12,95

Дон таркибидаги оксил миқдори ва унинг ҳосилдорлигига минерал ўғитларни танлаш ва дозировкаси сезиларли таъсир кўрсатади. Бундан, Бухоро вилояти ерларидан керакли буғдой ҳосилини олиш мақсадида кўшимча ўғитлаш талаб этилади. Энг катта самара N₂₄₀, P₉₈₀, K₁₂₀ дан фойдаланганда олинган. Бунда кузги буғдой ҳосилдорлиги ўртача 6,7 ц/га ошди.

Шўр тупроқли ерларга азотли ўғитларни берилиши ҳисобидан умумий оксил миқдори юқори. Лекин оксил фракцияларини текшириб кўрганимизда сувда эримайдиган оксиллар миқдори оддий шароитларда етиштирилган буғдойлардан пастлиги кузатилди. Бу эса биз тадқиқ қиладиган буғдой донларимизнинг технологик хоссаларига ўз таъсирини кўрсатганини аниқладик яъни ишлаб чиқариш жараёнида 4 чи ва 6 чи янчиш системаларидан ажралиб чиқадиган кепак таркибида озуқа уни қисман ўтиб кетаётганини аниқладик ва 4 янчиш системасини 3 чи янчиш системасига 6 чи янчиш системасини 5 чисига қайтариб кепак таркибидан 1,0-1,5 % гача иккинчи навли урни ажратиб олдик.

Озуқа унининг намуналарида оксил, крахмал, ёғ миқдори бўйича бири-бирига анча яқин, миқдорий таркиби жиҳатидан эса озик-овқат хом ашёси ва озик-овқат маҳсулотларининг сифатига қўйиладиган тиббий ва биологик талабларга мос келади. Шу билан бирга, улар клетчатка ва кул миқдори бўйича мувофиқ равишда куруқ модда учун ўртача 1,9 ва 1,2% фарқ қиладди.

Ғалла майдонларини азотли минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг қиёсий жадвали

	Шўр тупроқли ерларда, жумладан Қорақолпоғистон, Хоразм, Бухоро	Муддат	Одий тупроқли ерларда, жумладан: Тошкент ва Фарғона водийси	Муддат
	Ғаллани баҳорги вегетация даврида азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш.	20 январгача	Экилган майдонларнинг ҳар гектарига 150 килограммдан, кеч экилган майдонларнинг ҳар гектарига 100 килограммдан физик ҳолда азотли минерал ўғитлар билан ғаллани озиклантириш.	2018 йил 5 декабргача
	Эрта экилган майдонларни гектарига 150 килограммдан, кеч экилган майдонларни гектарига 100 килограммдан физик ҳолда азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш.	20 февралдан 1 мартгача	Озиклантириш ишларини амалга оширишда ғаллани ривожланишига қараб биринчи навбатда кеч экилган балл-бонитети паст бўлган ғалла майдонларидан бошлаш ва ҳар гектарини 200 — 250 килограммдан азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш.	2019 йил 1 — 10 февраль
	Ғалланинг ҳолати тўлиқ ўрганилиб сийрак, униб чиқмаган ерларни таъмирлаш (қайта экиш), азотли ўғитлар билан қўшимча озиклантириш.	20 февраль	Ғалланинг найчалаш фазасида ўсимликнинг вегетатив органлари кўпайишини ва асосий ҳосил поялар сони ортишини ҳисобга олиб иккинчи озиклантиришда йиллик азотли ўғит ҳажмининг 40 фоизини (гектарига физик ҳолда 300 — 320 кг.) сарфлаш.	2019 йил 10 — 20 март
	Баҳорги биринчи азотли минерал ўғитлар билан озиклантиришни бошлаш ва ғаллани пешма-пеш суғоришни ташкил этиш.	25 февраль	Йиллик азотли ўғит меъерининг 40 фоизи миқдорида (физик ҳолда 300 320 килограммдан) озиклантириш; эртапишар навларни, ўрта ва кеч пишар навларга нисбатан 7 10 кун эртарроқ озиклантириш ҳамда пешма пем шарбат усулида суғориш ишларини ташкил қилиш.	2019 йил 1 – 10 апрель
	Йиллик азотли ўғитнинг 40 фоизини, яъни гектарига физик ҳолда 300 — 320 килограмм миқдорда беришни ташкил этиш; ҳосил хандақларидаги маҳаллий ўғитлар ёрдамида шарбат усулида қондириб суғоришни ташкил этиш.	20 март	Ғалланинг бошоқлаш ва гуллаш фазасида дон шаклланишини ва дон тўлишини ҳисобга олган ҳолда, азотли ўғитлар йиллик меъерининг 15 20 фоизи миқдорида озиклантириш; минтақа тукпроқ иқлим шароитга мос ҳолда озиклантирилгандан сўнг, гектарига 500 600 м ³ миқдорида сув сарфи билан суғориш ишларини ташкил этиш	
	Йиллик азотли ўғит меъерини 40 фоиз миқдорида, яъни физик ҳолда гектарига 300 — 320 килограмм миқдорида озиклантиришни ташкил этиш.	25 апрель	-	-
	Ғалланинг бошоқлаш ва гуллаш фазасида дон шаклланиши ҳамда тўлишишини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитлар йиллик меъерининг 15 — 20 фоиз миқдорида озиклантириш.	10 — 20 апрель	-	-

Озуқа унининг кимёвий таркиби

Унча (мучки) намуналари	Намлик, %	Масса улуши, курук моддага %					Оғир металллар асса улуши, мг/кг*			
		Оқсил	Краx мал	Клетчатка	Кул	Ёғ	Cu	Zn	Cd	Pb
1-ый	10,6	10,24	60,0	5,6	4,2	4,4	0,66	0,44	сл.	сл.
2-ой	10,8	10,57	59,5	3,7	3,0	4,2	0,58	0,32	-	сл.

* чегаравий рухсат этилган концентрациялар, мг/кг: Cu – 10,0; Zn – 50,0; Cd – 0,1; Pb – 50,0

“Буғдой донидан озуқа уни ишлаб чиқаришни жорий этиш ва унинг нонбоплик хоссаларини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобда тадқиқ қилинаётган буғдой навларидан олинган ун саноат намуналарининг идентификацион кўрсаткичлари келтирилган, мазкур ундан тайёрланган ноннинг сифат кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили бажарилган.

Тадқиқ қилинаётган буғдой навлари донидан ун ишлаб чиқариш. Ун лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида олинган.

Озуқа унидаги оғир заҳарли металлларнинг масса улуши рухсат этилган чегаравий концентрациядан анча паст бўлади, бу эса унинг озиқ-овқат хавфсизлиги тасдиқлайди.

10-жадвал

Тортиш маҳсулотлари чиқиши ва I навли буғдой уни сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Тортиш партияларининг вариантлар бўйича кўрсаткичлари қиймати			
	К	I	II	III
<i>Тортиш маҳсулотлари, %</i>				
Ун	73,50	74,97	74,85	74,60
Кепак	21,40	21,12	21,32	21,39
Озуқа уни	3,30	3,18	3,12	3,25
Механик йўқотишлар билан чиқиндилар	0,80	0,73	0,71	0,76
<i>Жами</i>	<i>100,00</i>	<i>100,00</i>	<i>100,00</i>	<i>100,00</i>
<i>Ун сифат кўрсаткичлари</i>				
Ранги	Оқ ёки сарғиш тусли оқ			
Оқлиги, %	34,5	36,0	36,2	36,4
Хом клейковина масса улуши, %	28,0	29,5	29,2	28,7
$H_{def}^{ИДК}$, курилма бирлиги	98	82	86	89
Сифат гуруҳи	II	II	II	II

Таққослаш намунаси (назорат) сифатида ЮШ тупроқларида етиштирилган буғдой дони кўрсаткичлари хизмат қилди. 75% ли ун маҳсулотлари ва уннинг сифат кўрсаткичлари 10-жадвалда келтирилган. Аралашма партияларида ун чиқиши 1,5-2,0% га ошган; хом клейковина масса улуши назорат қийматидан 2,5-5,3% га ошди, унинг деформацияловчи юкламага қаршилиги 9-16 ИДК курилмаси бирлигига яшиланди. Шу билан бирга, барча вариантларда клейковина II-даражали сифат гуруҳига эга бўлган, ва қониқарли кучсиз сифатида тавсифланган.

Уннинг нон пишириш хусусиятларини энг объектив баҳоси бўлиб лаборатория синов натижалари ҳисобланади.

Озуқа унининг турли дозировакаларининг нон сифатига таъсири

Кўрсаткичлар номи	Тайёрланган ноннинг сифат кўрсаткичлари номи			
	Кўшимчаларси з (назорат)	Унчанинг қўшилиши билан, купаж аралашма массасига % да		
		3 (КС-1)	5 (КС-2)	10 (КС-3)
Намлик, %	43,6	43,5	43,5	43,4
Кислоталик, град	3,1	3,2	3,4	3,8
Ғоваклилик, %	72,2	70,8	68,4	60,0
Солиштира ҳажми, см ³ /г	3,69	3,57	3,45	2,86
Органолептик баҳоси, балл	86,7	82,2	71,4	54,6

Тайёр маҳсулотлар пиширилгандан 16 соат ўтгач таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари 3-расмда келтирилган.

3 - расмда озуқа унининг дозировакасини ачиткиларни фаоллаштириш босқичида қўлланиладиган ун массасига 3% дан 10% гача дозировакаси оширилишида ноннинг истеъмолчилик афзалликларини белгиловчи асосий кўрсаткичлар қийматлари ҳам ошди. Шундай, 5 ва 10 % озуқа уни сақлаган маҳсулотлар назорат намунасидаги (3% озуқа уни) қийматдан мувофиқ равишда 0,8 и 2,6 % юқори солиштира ҳажмга; яхши ғовакланган ва букилувчан юмшоқликга (ғоваклилик қиймати назоратдан 0,8 ва 1,8 % юқори); қобиғининг интенсив рангига, яққол ифодаланган таъм ва ҳидига, ва натижада, 3% озуқа уни сақлаган вариантга нисбатан 1,3 ва 3,0 юқорироқ балл баҳосига эга бўлган.

Лаборатория синов пишириш натижаларига кўра уннинг нон пишириш хусусиятларини таҳлил қилиш. Турли тортиш партияларидан олинган нонни пишириш умумий қабул қилинган усул бўйича хамиртурушсиз усулда амалга оширилди. Таққослаш намунаси (назорат) сифатида ЮШ тупроқларида етиштирилган буғдой унидан тайёрланган ноннинг сифат кўрсаткичлари қўлланилди.


Тажрибалар маълумотлари шуни кўрсатдики, турли тупроқларда етиштирилган буғдой донидан тортиш партияларини тайёрлаш яхшиланган сифатли маҳсулотларни олиш имконини беради. Шундай, маҳсулотлар қобиқнинг тўқроқ ранги; ғоваклиликнинг етарлича ривожланган тузилиши; яққол таъм ва ҳиди билан ажралиб туради. Бунда ноннинг назорат намуналари нисбатан кичик ҳажмга, ғовакликнинг ривожланмаган структурасига ва туссиз рангли қобиғига эга бўлган етарлича эластик бўлмаган юмшоқликка эга бўлган.

12 – жадвал

Юқори шўрланган тупроқларда (ЮШ) етиштирилган буғдой донидан тайёрланган уннинг нон сифат кўрсаткичларига таъсири

Кўрсаткичлар	Буғдой навлари донидан олинган ундан тайёрланган ноннинг сифат кўрсаткичлари қиймати			
	Старшина	Истиклол	Чиллаки	Краснодарская-99
Намлик, %	43,5±0,1	43,2±0,1	43,0±0,3	43,0±0,2
Кислоталик, град	3,0±0,1	3,2±0,1	3,2±0,2	3,3±0,1
Ғоваклилик, %	54,3±0,5	53,6±0,4	53,5±0,5	54,0±0,5
Н:Д нисбати бўйича шакл ушлаш қобиляти	0,30	0,28	0,27	0,31
Ноннинг ҳажмий чиқиши, см ³ /100 г ун	367	363	360	368
Солиштира ҳажми, см ³ /100 г	250	255	241	252

нон				
Органолептик баҳоси, балл	58	60	56	59
Сифат тоифаси	Қониқарли	Қониқарсиз	Қониқарсиз	Қониқарли



3-расм. Вариантлар бўйича тайёрланган нон сифат кўрсаткичларига ачиткиларни фаоллаштириш босқичида киритиладиган унчанинг турли дозировкаларининг таъсири: 1-3 %; 2- 5% ва 3- 10 % унча қўшилиши билан.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари дон аралашмасининг технологик хусусиятларини яхшилаш, буғдой унининг нон пишириш хусусиятларини ошириш ва натижада истеъмолчилик нуқтаи назаридан муҳим бўлган тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари, шунингдек ун унумдорлигини ошириш ва асосий хом-ашёни тежаш мақсадида шўрлиги ҳар хил бўлган тупроқларда етиштирилган буғдой донининг тортиш партияларидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади.

Нон ишлаб чиқаришда аралашма партияларидан унни ишлатиш хом-ашё хусусиятларини тузатиш ва ундан нон пишириш хусусиятларини белгилаб берадиган кенг кўламдаги кўрсаткичларга эга бўлган юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Минтақанинг агрометеорологик шароитлари ва тупроқнинг шўрланиш даражаси ўрганилди. Бухоро вилояти иқлими континентал, юқори иссиқлик манбали (ҳаво ҳарорати йиғиндиси -10°C дан 34°C гача) қурғоқчил, ёғингарчилик ўртача йиллик миқдори тахминан 45 мм бўлганида йиллик ёғин миқдори нисбатан паст (28 дан 54 мм гача) эканлиги аниқланди. Тупроқ шўрланиши аралаш сульфат-хлорид тури, хлорид шўрланишининг устунлиги билан характерланади; ер ҳайд аш горизонтида гумус, ҳаракатчан фосфор ва азотнинг миқдори буғдой учун тавсия этилган кўрсаткичлардан сезиларли даражада паст изоҳланади.

2. Тупроқ таркибининг буғдой донининг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, тупроқ таркибидаги тузлар миқдори ошиши билан доннинг натураси ва хом клейковина чиқиши камаяди.

3. Илк бор шўрланган ва қуруқ иқлимда етиштирилган маҳаллий нав буғдой донида оксилларнинг шаклланишини ўрганиш натижасида ерга берилган азот ҳисобига умумий оксилнинг кўпайиши, аммо буғдойнинг технологик хоссасини намоён қилувчи сувда эримайдиган оксиллар (проламин, глютенлин, глиадин) миқдори ўзгармай қолиши аниқланди.

4. Тупроқнинг шўрланиш даражаси буғдой донининг кимёвий таркиби ва биологик қийматига, яъни унинг генотипига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

5. Тадқиқот натижаларига кўра, биринчи навли буғдой уни билан солиштирганда синов унининг озукавий қиймати юқори, айниқса оксил, витаминлар, макро- ва микроэлементлар таркиби бўйича.

6. Минерал ўғитларни танлаш ва дозировкаси дон таркибидаги оксил таркибига ва унинг ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Энг юқори самара N₂₄₀, P₉₈₀, K₁₂₀ дан фойдаланганда олинган. Бунда кузги буғдой ҳосилдорлиги ўртача 6,7 ц/га ошиши тавсия этилди.

7. Оддий ва шўрланган тупроқларда етиштирилган буғдой донини тортиш учун қайта ишлаш бўйича амалдаги технологик регламентга ўзгартиришлар киритилди.

8. Илмий-амалий ишланмалар натижалари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,0-1,5% га кенгайтириш имконини бериш билан изоҳланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО
СОВЕТА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХУЖАКУЛОВА НИЛУФАР ФАЙЗУЛЛАЕВНА

**ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ЗЕРНА
ПШЕНИЦЫ, ВОЗДЕЛЫВАЕМЫХ В УСЛОВИЯХ ЗАСОЛЕННЫХ
ПОЛЕЙ**

(на примере Бухарского вилоята)

02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.1.PhD/T665.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.bnti.uz и информационно-образовательном портале «Ziyounet» www.ziyounet.uz.


Научный руководитель:	Махмудов Рафик Амонович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Курбатов Жамшед Маджидович доктор технических наук, профессор Сатторов Карим Каримович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится 07 12 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: Бухарская область, 2001000, г.Бухара, ул. К.Муртазиева, 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bnti_info@bnti.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за № 349 с которой можно ознакомиться в ИРИЦ (Адрес: Бухарская область, 200100, г.Бухара, ул. К.Муртазиева, 15.Тел.: (99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан 03 12 2021 года.
(протокол рассылки № 14 от «05» ноября 2021 г.).


И.Р.Каримов
Председатель Научного совета по присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор
Ф.Р.Хайитов
Член Научного совета по присуждению учёной степени, д.т.н.


И.М.Ходжаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёной степени, к.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире отмечаются высокие темпы роста зерноперерабатывающих предприятий. Мукомольные производства считаются одними из ведущих предприятий пищевой промышленности. Наиболее важной задачей считается улучшение качества муки и повышение её биологической ценности. Важное значение имеет что объем производства зерна, его качество зависят от агрометеорологических условий возделывания.

В мире наблюдается тенденция к увеличению площади сельскохозяйственных угодий с разным уровнем засоления почв в связи с изменением экологической ситуации, и проводятся научные исследования по определению технологических свойств зерна пшеницы. В связи с этим особое внимание уделяется определению технологических свойств пшеницы, выращенной на засоленных почвах, с использованием новых и современных методов физико-химического анализа, качественных показателей и технологических свойств пшеницы, выращенной на засоленных почвах.

В последние годы страна сосредоточилась на производстве качественных мучных изделий из зерна пшеницы, выращенной на различных засоленных территориях, и достигаются определенные результаты. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан «...по развитию отраслей производства, модернизации и диверсификации промышленности, применению ресурсо и энергосберегающих методов, обеспечению пищевой безопасности продукции, производству конкурентоспособной и экспортной продукции для импортозамещения¹. В связи с этим важны научные исследования по улучшению качества зерна пшеницы, выращиваемой на засоленных почвах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, приведённых в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», 26 апреля 2018 г. № ПП-3484 «О мерах по дальнейшему развитию продовольственного сектора». № ПП-3179 от 8 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию деятельности Государственной зерновой инспекции при Кабинете Министров Республики Узбекистан» Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 августа 2015 года № 251 «Об утверждении Концепции и комплекса мероприятий по здоровому питанию населения Республики Узбекистан на 2015-2020 годы» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

технологий республики: VI. «Химическая технология и нанотехнология» и IV. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по определению технологических свойств зерна сортов пшеницы, выращиваемых в различных агрометеорологических условиях, проводились и в настоящее время проводятся в ведущих международных и отечественных научных центрах и образовательных учреждениях, в частности, в Washington State University (США), University of Hohenheim (Германия), Cambridge Plant Breeding Institute (Великобритания), The University of Sidney (Австралия), Food and Agriculture Organization of the United Nations (Италия), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) (Оман), International Maize and Wheat Improvement Center (CIMMYT) (Мексика), Кубанском государственном аграрном университете (Россия), Казахском национальном аграрном университете (Казахстан), Научно-исследовательском институте зерновых и злаковых культур (Узбекистан).

